

1- мавзу: Референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва ташкилий масалалари

Мұхокама этиладиган масалалар:



- 1 Референдум тұғрисидаги қонунчилік
ва референдум ўтказувчи комиссиялар
тизими.**
- 2 Референдум ўтказувчи участка
комиссияларини түзиш тартиби,
муддатлари ва комиссия аъзолигига
номзодлар учун қўйиладиган талаблар.**
- 3 Референдум ўтказувчи участка
комиссиясининг ваколатлари,
уларни амалга ошириш тартиби ва
муддатлари.**
- 4 Референдум ўтказувчи участка
комиссиялари фаолиятини
самарагали ташкил этиш.**

РЕФЕРЕНДУМНИНГ АҲАМИЯТИ



Конституциявий ислоҳотни фуқароларимиз фикри ва қўллаб қувватлаши асосида, **референдум** орқали амалга оширсак, бу том маънода халқимиз хоҳиш иродасининг ифодаси – ҳақиқий **халқ Конституцияси бўлади».**

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёев

1. РЕФЕРЕНДУМ ТҮГРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ХУЖЖАТЛАРИ ТИЗИМИ:

**1. Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси
(1992 йил 8 декабрь)**

**3. “Референдум округлари ҳамда
референдум ўтказувчи округ
комиссиялари түгрисидаги низом”**
Марказий сайлов комиссиясининг
қарори билан тасдиқланган

**2. ”Ўзбекистон Республикасининг
референдуми түгрисида» ги қонуни
(1991 йил 18 ноябрь)**

**4. “Референдум участкалари ҳамда
участка комиссиялари түгрисидаги
низом”**
Марказий сайлов комиссиясининг
қарори билан тасдиқланган

Референдум тушунчаси ва сайловлардан фарқи:

«Ўзбекистон Республикасининг референдуми Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир.

Референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир.

Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади.

Агар референдумда қабул қилинган қарорларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, референдумда қабул қилинган қарорлар фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзgartирилиши мумкин»

“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддаси

Сайлов эса — сиёсий партиялар томонидан кўрсатилаган номзодлар орасидан давлат раҳбари лавозимига, парламент ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига фуқароларнинг яширин овоз бериш йўли билан сайлашни англатади.




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА РЕФЕРЕНДУМ ҚАЧОН ЎТКАЗИЛАДИ?



“Ўзбекистон Республикаси **Олий Мажлиси палаталарининг** референдумни ўтказиш ва референдум ўтказиладиган санани тайинлаш тўғрисидаги қарорларида уни ўтказиш санаси белгиланади, бунда овоз бериш палаталарнинг қарорлари эълон қилинган кундан эътиборан **бир ярим ойдан уч ойгача бўлган даврда исталган кунга** тайинланиши мумкин”.

“Ўзбекистон Республикаси Референдуми тўғрисида” қонун, 14-модда”

РЕФЕРЕНДУМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗУВЧИ КОМИССИЯЛАР ТИЗИМИ



**Марказий
сайлов
комиссияси**

**Референдум
ўтказувчи округ
комиссиялари**

**Референдум
ўтказувчи
участка
комиссиялари**

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ВАКОЛАТЛАРИ:



- ✓ Референдум қонунчилигини ижросини таъминлайди ва назорат қилади;
- ✓ Референдумни ташкил этиш ва ўтказиш соҳасида қарорлар қабул қилади, йўриқнома ва низомларни тасдиқлайди;
- ✓ Референдум ўтказувчи округларни тузади ва округ комиссияларини тасдиқлайди;
- ✓ Референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади;
- ✓ Хорижий давлат ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларига мандат беради;
- ✓ Референдум натижаларини аниқлайди ва эълон қилади.

РЕФЕРЕНДУМ ОКРУГЛАРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА
ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЧЕГАРАЛАРИ
ДОИРАСИДА

14 ТА


РЕФЕРЕНДУМ
ОКРУГЛАРИ ТУЗИЛАДИ



Барча округлар миқёсида берилган
овозлар натижасида Марказий сайлов
комиссияси томонидан референдум
якунлари эълон қилинади

РЕФЕРЕНДУМ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ :

Марказий сайлов комиссияси референдум тайинлаш түғрисидаги қарор эълон қилингандан кейин кечи билан **беш кун** ичидә референдум округларини тузиш ҳақида қарор қабул қиласы. Марказий сайлов комиссиясининг ушбу қарорида **қуийдагилар тасдиқланади**:



РЕФЕРЕНДУМ ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?



«Референдум ўтказувчи округ комиссияси референдум тайинлаш түғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан **ўн кундан кечикмай** комиссия раиси, раис ўринbosари, котибидан ва комиссиянинг саккиз — ўн саккиз нафар бошқа аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

Референдум ўтказувчи округ комиссиялари аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда референдум тайинлаш түғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин **етти кундан кечикмай** Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқлаш учун тавсия этилади»;

“Ўзбекистон Республикаси Референдуми түғрисида” қонун, 19-модда”

ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИ:

-  округ ҳудудида “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида” ги қонуни ижроси устидан назоратни амалга оширади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди;
-  пул маблағларини референдум ўтказувчи участка комиссиялари ўртасида тақсимлайди, референдум ўтказувчи участка комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қиласди;
-  референдумни ўтказувчи участкаларни тузади ва участка комиссиялари аъзоларини тасдиқлайди;
-  участка комиссияларини овоз бериш бюллетенлари билан таъминлайди, тегишли округ бўйича овоз бериш якунларини аниqlайди ва Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

2. РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАЛАРИ ВА УЧАСТКА КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ:

Референдум участкалари туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан референдум ўтказувчи округ комиссиялари томонидан тузилади.



Ҳарбий қисмларда референдум участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ комиссиялари томонидан тузилади.

Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳам референдум участкалари ана шу муддатда, **айрим ҳолларда** эса истисно тариқасида референдум ўтказишига камида **беш кун қолганда** тузилади.

РЕФЕРЕНДУМ УЧАСТКАЛАРИ (қоида тариқасида)



референдум тайинлаш
түгрисидаги қарор
эълон қилинганидан
кейин **ўн беш кундан**
кечикмай тузилади.



каміда

20 нафар



кўпи билан


3000 нафардан

ошмаган референдумда
иштирок этиш ҳуқуқига эга
бўлган фуқароларни инобатга
олган ҳолда тузилади


УЧАСТКА КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ:

Участка комиссияси округ комиссияси томонидан референдум тайинлаш түғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин **йигирма беш кундан кечикмай 5 – 19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.** Участка комиссияси таркибининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайтирилиши ҳам мумкин.


Участка комиссиясини тузиш тартиби:



аъзоликка номзодлар фуқароларнинг
ўзини ўзи бошқариш органлари,
жамоат бирлашмалари, корхоналар,
муассасалар ва ташкилотлар
тomonидан **таклиф этилади;**



бу номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар
Кенгашларининг мажлисларида муҳокама
қилинади ҳамда тегишли референдум
үтказувчи округ комиссиясига тасдиқлаш учун
тавсия этилади;



округ комиссияси
участка комиссияси
аъзоларини
тасдиқлайди ва
эълон қилади.

УЧАСТКА КОМИССИЯСИ АЪЗОЛИГИГА НОМЗОДЛАР УЧУН ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:



Йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў эътибор қозонган фуқаролар участка комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин.

Қуидагилар референдум ўтказувчи участка комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас:

- Сиёсий партияларниг аъзолари;
- вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари;
- прокуратура органларининг мансабдор шахслари;
- судларниг мансабдор шахслари;
- фуқароларниг ташаббускор груҳи таркибиға киравчи аъзолари.

УЧАСТКА КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЯРМИДАН КҮПИ 1 ТА ТАШКИЛОТДАН БЎЛИШИ МУМКИН ЭМАС.



- Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати компьютер дастурлари билан ишлаш учун ҳар бир участка комиссияси таркибида ахборот коммуникация технологиялари соҳаларида билим ва амалий кўниkmага эга камида **икки нафар шахс** (асосий ва захира) бўлиши тавсия этилади.

Участка комиссияси аъзоларининг қолган ярмини шакллантиришда қуидаги заҳиралардан фойдаланиш тавсия этилади:

- сайлов ва референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга, аҳоли ўртасида обрў эътибор қозонган фуқаролар;
- нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари;
- ҳуқуқий билим ва малакага эга шахслар (юрисконсультлар, адвокатлар ва ҳ.к.);
- хорижий тилларни биладиган мутахассислар.

Участка комиссиялари таркибига қуидагиларни киритилшига эътибор қаратиш лозим:



аёл ва эркакларнинг тенг вакиллигини таъминлашга;



ногиронлиги бўлган ижтимоий фаол фуқароларни.

Қуидаги ҳолларда участка комиссияси аъзоси ўз аризасига ёки уни комиссия аъзоси этиб тасдиқлаган органнинг қарорига кўра комиссия таркибидан чиқарилади:

- референдум ўтказувчи бошқа комиссия таркибига сайланганда;
- сиёсий партияга аъзо бўлганда;
- вилоят, туман, шаҳар ҳокими этиб тайинланганда (тасдиқланганда);
- прокуратура ёки судга масъул лавозимга тайинланганда (сайланганда).

УЧАСТКА КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИ ҚАНДАЙ РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ?

«Референдум ўтказувчи комиссияларнинг аъзоларига референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишига доир **харажатлар сметасида** кўрсатилган миқдорда:



транспорт;



овқатланиш харажатлари



ва бошқа харажатларнинг ўрнини қоплаш мақсадида **компенсация тўланади»;**

Референдум ўтказувчи комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоларидан бири комиссиянинг қарорига биноан референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиши даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Бунда референдум ўтказиши учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан унинг ўртacha ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.



3. УЧАСТКА КОМИССИЯСИННИГ ВАКОЛАТЛАРИ:

- ✓ референдум участкаси бўйича овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатини СЖБАТдаги СЯЭР асосида тузади;
- ✓ фуқароларни овоз берувчи фуқаролар рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қиласди ҳамда кўриб чиқади ва **рўйхатга тегишли ўзгартиришлар киритиш** тўғрисидаги масалани ҳал этади;
- ✓ участка комиссияси овоз берувчи фуқароларни рўйхат билан танишиб чиқиш **жойи** ва **вақти** тўғрисида хабардор қиласди;
- ✓ референдум куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган ва муддатидан олдин овоз берган овоз берувчи фуқаролардан тўлдирилган овоз бериш бюллетенларини **ёпиқ конвертларда** қабул қилиб олади;
- ✓ аҳолини референдум **куни** ва овоз бериш **жойи** тўғрисида хабардор этади;
- ✓ бинонинг яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари, овоз бериш қутилари, шунингдек бошқа **жихозлар билан таъминлайди**;
- ✓ референдум куни участкада овоз беришни **ташкил этади**;
- ✓ соғлигининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига **кела олмаган** овоз берувчи фуқароларнинг илтимосига биноан улар турган жойда овоз беришни ташкил этади;
- ✓ овозларни **санаб** чиқади;
- ✓ овоз берувчи фуқароларнинг ва референдум жараёни бошқа иштирокчиларининг **мурожаатларини** кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қиласди.

УЧАСТКА КОМИССИЯСИ РАИСИ:



Участка комиссияси фаолиятига раҳбарлик қилади;



комиссия мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади ва уни ўтказиш тартибини белгилайди;



комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;



давлат органлари, халқаро ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан муносабатларда комиссия номидан иштирок этади;



Участка комиссияси жойлашган бино ва овоз бериш хонасининг жиҳозланишини ташкил этади;



Участка комиссияси қарорлари, комиссия раисининг ўринбосари, котиби ва аъзоларининг гувоҳномалари ҳамда бошқа ҳужжатларни имзолайди;



жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни комиссия аъзолари ўртасида кўриб чиқиш учун тақсимлайди;



овоз берувчи фуқаролар рўйхатига киритилганлар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини текшириш учун участка комиссияси аъзоларининг уйма уй айланиб чиқишини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштириб боради.



участка комиссияси аъзоларининг овоз бериш кунидаги вазифаларини белгилайди;



маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар кузатувчилари билан комиссия номидан иш олиб боради;



референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, бу ҳақида округ комиссиясини ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилади;



Участка сайлов комиссияси раиси ўз ваколатларини бажара олмаган, шунингдек участка сайлов комиссияси раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари раис ўринбосари ёки участка сайлов комиссияси қарори билан комиссия аъзоларидан бирининг зиммасига юклатилади.

УЧАСТКА КОМИССИЯСИ РАИСИ ЎРИНБОСАРИ:

- участка комиссияси аъзоларининг малакасини ошириш ва уларнинг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этади;
- оммавий ахборот воситалари вакиллари билан алоқалар ўрнатади, уларда комиссия фаолиятини ҳар томонлама ёритилишини ташкиллаштиради;
- маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларни тегишли референдум комиссияси томонидан берилган ҳужжатлар асосида рўйхатга олишни ташкиллаштиради;
- жисмоний ва юридик шахсларни, шунингдек уларнинг вакилларини қабул қиласди ва уларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқиши ташкил этади;
- участка комиссияси аъзоларини жалб этган ҳолда комиссия қарорлари ижросини таъминлайди;
- участка комиссияси раисининг топшириқларини бажаради;
- ўз ваколатлари доирасида участка комиссиясининг бошқа аъзоларига топшириқлар беради;

УЧАСТКА КОМИССИЯСИ КОТИБИ:

- мажлисларни ташкиллаштиради, муҳокама этиладиган масалалар бўйича қарор ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;
- мажлис ўтказилиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қиласди;
- раис ва раис ўринбосари топшириқларини бажаради;
- иш ҳужжатларини номенклатура асосида юритиб боради;
- округ комиссияси котибидан СЖБАТ кириш учун тегишли маълумотларни олади;
- овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатини СЯЭРдан юклаб олади ва комиссия раисига тақдим этади;
- референдум қонунчилигига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

УЧАСТКА КОМИССИЯСИ АЪЗОСИ:

- участка комиссияси раиси томонидан тақсимланган тақсимотга асосан ўзига юклатилган вазифаларни ҳамда раис ва унинг ўринбосари топшириқларини ўз вақтида, сифатли бажаради;
- участка комиссияси мажlisларида қатнашади;
- кўриб чиқиш ўзига юклатилган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб чиқилишини таъминлайди;
- участка комиссияси раиси томонидан овоз бериш кунидаги белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;
- референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидаги ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, улар тўғрисида дарҳол раис ёки раис ўринбосарини ҳабардор қиласади;
- овоз берувчи фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида унинг овоз берувчи фуқаролар рўйхатидаги маълумотларини текширади, унга овоз бериш учун овоз бериш бюллетенини имзо қўйдирив топширади;
- кузатувчиларга ва оммавий ахборот воситалари вакилларига референдум жараёнини кузатиш учун шарт шароитлар яратади.

4. РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗУВЧИ УЧАСТКА КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

Участка комиссиясининг мажлиси, агар унда мажлис ўтказилаётган кундаги комиссия аъзолари умумий сонининг камидан **учдан икки қисми** иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Участка комиссиясининг қарори очиқ овоз бериш йўли орқали комиссия аъзолари умумий сонининг **кўпчилик овози** билан қабул қилинади. Овозлар **тeng бўлиб қолган тақдирда**, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

УЧАСТКА КОМИССИЯСИННИГ МАЖЛИСЛАРИДА

- ✓ юқори турувчи комиссия аъзолари;
- ✓ сиёсий партиялардан;
- ✓ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан;
- ✓ фуқаролар ташаббускор гурӯҳларидан кузатувчилар;
- ✓ оммавий ахборот воситаларининг вакиллари;
- ✓ бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши мумкин.

ЁДДА ТУТИНГ!

!

Участка комиссияси ишининг ташкилий шакли унинг заруратга қараб ўтказиладиган мажлиси ҳисобланади.

УЧАСТКА КОМИССИЯСИННИГ ТАСДИҚЛАНГАНИДАН СҮНГ ҚҮЙИДАГИ ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ:



Бир кунлик муддатда участка комиссиясининг биринчи ташкилий мажлисида күриб чиқиладиган масалалар:

- ✓ участка комиссиясина референдумга тайёргарлик күриш ва уни ўтказишга доир **ишик речасини тасдиқлаш**;
- ✓ участка комиссияси аъзолари ўртасида **вазифаларни тақсимлаш**;
- ✓ участка комиссияси аъзолари томонидан **фуқароларнинг ҳар кунлик қабулини ташкил этиш**;
- ✓ участка комиссияси аъзоларининг **навбатчилигини ташкил қилиш**;
- ✓ участка комиссиясина референдум иш ҳужжатлари номенклатурасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалда қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

ЁДДА ТУТИНГ!

!

Участка комиссиялари референдум якунлари расмий эълон қилинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ !